

Комил Хоразмий (тахаллуси; асл исми Паклавон Мухаммадниёз Абдулла Охунд ўгли) (1825 — Хива — 1899) — ўзбек шоири, хаттот, мусикашунос, таржимон ва давлат арбоби. Жахон маданиятининг Хоразмдаги илк таргиботчиларидан бири. Хива мадрасасида ўқиган. Араб ва форс тилларини мукамал билган. Шарк адабиёти намояндалари ижодини, мумтоз мусикани, хаттотлик сирларини кунт билан ўрганган. 25—30 ёшларида шоир сифатида танилган. Огахий унинг номини ўзининг «Гулшани давлат» китобига киритган. Хива хони Сайд Мухаммадхон саройида котиблик килган. Мухаммад Рахим II уни мирзабошилик вазифасига кўтарган. Россия билан Хива хонлиги ўртасида имзоланган сулх шартномаси (Гандимиён шартномаси) Комил Хоразмий кўли билан ёзилган (1873). Сўнгра саройда девонбеги (1873—80), мирзабоши лавозимларида ишлаган (1880 йилдан). Хоразмда биринчи бўлиб босмахона ташкил этган (1880—81). Комил Хоразмий Шарк мумтоз мусикаси, хусусан, макомчилик анъаналарини ривожлантиришга хомийлик килган, ўзбек куйларини ёзиб олиш учун «Танбур чизиги» деб аталувчи нота тизимини жорий этган. Бу ўзига хос нотада «Рост» макомининг бош кисмини ёзган. Ўгли Мирзо Мухаммадрасул отаси бошлаган ишни давом эттириб, Хоразм «Шашмаком»ининг колган ашула ва чолгу йўлларини тўла нотага олган. «Рост» макомига боғланган «Мураббаи Комил» ва «Пешрави Ферўз» куйларининг нотаси бизгача етиб келган. Комил Хоразмий Москва ва Петербург шаҳарларига 2 марта сафар килган (1873, 1883). 1891, 1896—97 йилларда эса Тошкентга келиб, бу ердаги маданий янгиликлар хақидаги «Дар баёни таъриф ва тавсиф Тошканд» («Тошкент таърифи ва тавсифи баёнида») касидасини битган. Бу касида ўзбек адабиётида ижтимоий тараккиётни акс эттирган дастлабки йирик шеърий асарлардан бўлиб, унда янги, замонавий маданият улугланади.

Комил Хоразмий Шарк мумтоз шоирлари анъаналари руҳида лирик шеърлар ёзган, девон тузган. Бу девонда 8000 мисрадан ортик шеър бўлиб, улар газал, мурабба, мухаммас, мусаддас, маснавий, рубоий, касида, муаммо каби жанрларда ёзилган. Уларда чин инсоний фазилатлар улугланган, жаҳолат кораланган, ишк-мухаббат тараннум этилган. Комил Хоразмийнинг деярли барча жанрдаги асарларида ижтимоий танқидга кенг ўрин берилган, айрим мисралари афоризм даражасига кўтарилган («Фалак зулми бир ёну, бир ён алар...» ва б.). Шайх Сулаймон Бухорий ўзининг машхур «Луготи чигатойи ва турки усмоний» («Чигатойча ва усмоний туркча лугат») асарида Комил Хоразмийнинг ижодидан ўринли фойдаланган ва Хоразм шеvasидаги кўпчилик сўзларнинг маъносини унинг шеърлари орқали изохлаб берган. Комил Хоразмий 1865 йилда Бархурдор бин Махмуд туркман Фарохийнинг (адабий тахаллуси Мумтоз) «Махбуб ул-кулуб» (бу асар айрим манбаларда «Махфилоро» — «Мажлисга зийнат берувчи» деб ҳам юритилади) ҳамда 1869—70 йилларда Фахриддин Али Сайфийнинг «Латой-иф ат-тавойиф» («Турли тоифаларнинг латифалари») асарларини форс тилидан ўзбек тилига таржима килган. Алишер Навоий «Хамса»сининг биринчи Хоразм тошбосма нашрига сўзбоши ёзган. Комил Хоразмий девони кўлёмалари Ўзбекистон Фанлар академияси Шаркшунослик институти кўлёмалар фондида сакланади (инв. №1849, 1025). М.Юнусов, Ф.Каримов, А.Хайитметов, ва бошка олимлар Комил Хоразмий ижодини тадқиқ этганлар.

«ЛАТОИФ-УЗ-ЗАРОИФ» ДАН

Бир ота ва ўгулни бир хоким қошига келтурдиларким, таёк ургайлар. Аввал отосин ётқузуб юз таёк ургойлар. У ҳеч сўзламоди. Андин сўнг ўглини ётқузиб бир таёк уруб эрдиларким, ота доду фарёд кила бошлади. Ҳаким деди:

— Сен юз таёк единг, ҳеч бир даминг чикмоди, ўглунгга бир таёк урганда нечун нола килурсан?

Ул деди:

— Ул таёкким танимга теғди, тахаммул килдум. Энди жигаримга теккан эрди, чидай олмадум.

* * *

Бир камбагал олим киши факир бўлгани учун бир бахил бойни эшикига борибдурким:

— Мен, сиз садака бермоқчисиз, деб эшитдим. Мен гоят даража мухтож ва мустаҳиқдурман,— дедн. Бахил бой бахоналар килиб дедиким:

— Мен садакамни кўрларга берурман, деб аҳд килиб эрдим. Сен эрсанг кўр эмассан.

Олим деди:

— Галат килибдурсан, кўр хакикий мандурманким, махлуқотга ризк берувчи зотдан юз ўгуриб, сенингдек бахилнинг ёнига келибдурман.

Бу сўзни айтиб олим кайтиб кетди. Олимнинг сўзи бахилга багоят таъсир килиб, изидан югурди. Олим қабул этмади.

* * *

Бир табибни кўрдиларким, хар вақт гўристондан ўтса ридосини бошига солуб ёпуниб ўтар эрди. Анинг сабабин сўрадилар. Табиб дедиким!

— Бу гўристонда ётгон ўлуқлардин уялурман. Чунки хар бири мени доримни еб ва менинг шарбатимдин ичиб ўлгандурлар.

* * *

Бир кун шоир Анварий Балх бозоридин ўтуб борур эрди. Кўрдиким, халойиклар халка курмишлар. Ўртада бир киши туриб Анварийнинг касидаларидан ўз отига ўкур эрди.

Халойик анга тахсин ва офарин килур эрдилар. Анварий дебдур:

— Бу кимнинг ашъоридурким, ўкурсан?

Ул дебдур:

— Анварийнинг ашъоридур.

— Анварийни танурмисан?

Ул деди:

— Не айтурсан, Анварий мендурман.

Анварий кулиб дебдур:

— Шеър ўгрисин эшутиб эрдим, шоирнинг ўгрисин кўрмамиш эрдим.

* * *

Келтирибдурки, Абу Айюб Мансур халифанинг якин ва хамсухбатларидан эрди. Аммо хар вақт Мансур ани чакирса, ранги саргайиб, баданларига ларза тушар эрди. Бир кун бир махрам жоеда анга дедиким:

— Сен халифанинг якин ва хамсухбатларидансан. Не учун сени хар вақт чакирса кўл-оёгинг бўшашиб, ўзингни йўкотиб кўюрсан. Абу Айюб ул махрам жавобида дедиким: — Бир карчигай бир хўроздин сўрдиким, сен ёшлиқдан одамларнинг уйида бўлурсан. Улар санга ўз кўллари билан дон ва сув берурлар, санинг учун уйларида жой солурлар. Аммо хар вақт сени тутар бўлсалар не учун гавго килиб, фарёд билан ул уйдин бул уйга, ул ўчокдин бу ўчокга кочарсан. Мен эсам бир вахший кушдирман. Улуг тоғларда кезарман. Качон мени тутиб келтирсалар, кўлларида ором олурман, мени овга юборсалар ҳеч гавго ва можаро килмай парвозга чикиб, айланиб, яна кайтиб келурман. Хўроз дедиким:

— О карчигай куш, ҳеч жойда кўрдингми ёки эшитдингми, бир кушни сихга тортиб, ўтга кўйиб, кабоб килганликларини. Куш йўк, деди. Хўроз дедиким:

— Мен бу хонадонда бўлганимдан бери юз хўрозни кўрдим: бошини узиб, канотларини юлиб кррнини ёруб, сихга тортиб, кабоб килиб, ейдилар. Менинг фарёдимнинг сабаби шудир.

* * *

Абдулфазл билан Умайт Рукнуддавланинг вазири эрди. Угли Абдулфатхни Абул Хусайн Ахмад бинни Форис деган муаллимга топширди. Абул Хусайн эса ўз замонининг фасохатли тенгсиз адибларидан эрди. Абдулфатх ўқишда тамбаллик килар эрди. Муаллим Абул Хусайн отаси Абдулфазлга ёздиким:

«Ўглингиз Абдулфатхнинг ўқишдаги харакати чумолининг бош бармогидан ҳам камрок ва пашшанинг гарданидан калтарокдур».

* * *

Бир кеча Хажжож дедиким:

— Кўринглар, зиндонда бирор фазилатлик киши бормукин? Агар бўлса, мен анинг билан сухбатлашурман.

Зиндондан кидириб бир фозил кишини топиб келтурдилар... Хажжож андин сўрдиким:

— Сен нима сабабдин зиндонга тушдинг?

Фозил дедиким:

— Манинг амакимнинг бир ўгли бор эрди. Чун ноҳак кон тўкиб кочиб кетди. Анинг ўрнига мани тутиб зиндонга солдилар.

Хажжож дедиким:

— Шоирнинг бир сўзи борки, рост айтибдур. Амакиннинг ўгли гуноҳ килди. Сен анинг ўрнига мубтало бўлдинг. Албатта мард киши амакисининг ёмон ахлокли ўгли сабабидин гирифтор бўлгусидир. Хажжож шоирнинг шу сўзини ўкигач, ул адиб дедиким:

— Тангри шоирдин ростгўйрокдур. Чунки тангри буюради: «Киши иккинчи бир кишининг гуноҳи учун тутилмасин». Хажжож бу сўзни эшитгач унга минг тилло бериб озод килиб юборди.

* * *

Халифалардан бири вазирига дедиким;

— Кайда эрдинг?

Ул деди:

— Сенинг учун кўшк бино килур эрдим. Халифа ани жавобидин хайрон бўлди. Чунки анинг жавобида ишорат бор эрди. Шундайки, халифа Фиръавн хукмида бўлиб колди.

Халифа:

— Эй Хомон,— деб чакиргани учун вазири хам унга муносиб жавоб берди. Чунки Хомон Фиръавннинг вазири эрди.

* * *

Бир кун девон котибларидин бири Хажжожнинг кошига келиб, баъзи эhtiёжини арз килиб чикиб кетди. Хажжожнинг олдида доимо бирга турадиган ва унинг кулдирадиган Мабра деган надими бор эди. У дедиким!

— Одамларнинг энг ёмони девонхона котибларидур.

Шунда Хажжож айтдиким:

— Нима учун сен котибларни шикоят килурсан. Холбуки тангри, «киромун котибин», деб ёд килубдур, сен тангрининг каломига карши сўз айтурсан. Агар сен эски хамсухбатларимдан бўлмасанг эрди сенга сиёсат килур эрдим. Мабра:

— Эй халифа, мен девон котибларини айтурман, осмондаги фаришталарни айтмадим ва аларни шикоят килмадим,— деди.

Хажжож кулиб, анинг жавобига минг дирам инъом этди.

* * *

Бир подшоҳ надимга дедиким:

— Бу шахарнинг аблахларининг отини рўйхат килгин.

Надим:

— Хар кимнинг отини ёзсам газаб килмаслигинга шарт киласанми,— деди. Подшоҳ кабул килди. Надим энг аввал гюдшоҳнинг отини ёзди. Подшоҳ деди:

— Аблахликни менга исбот кил. Агар исбот килолмасанг сенга сиёсат килурман,— деди.

Надим дедиким:

— Юз минг тиллонинг хужжатини фалон навкарга бериб, буюрдингим, фалон мамлакатга бориб шул тиллони нақд килиб, олиб келсанг, дединг. Холбуки мен ўша навкарни яхши танийман. Ани бизнинг мамлакатда на фарзанди бор. Хеч бир нарсаси йўк бир кишидур. Агар ул ўша важхни кўлига киргизса бошка бир вилоятга бориб, тирикчилик килур. Анга сенинг хукминг хеч бир ўтмайди. Шул холда сен анинг устида не иш кўрурсан.

Подшоҳ дедиким:

— Агар ул мандин юз ўгурмай у тиллони нақд олиб келса, сен на дерсан,— деди. Надим:

— Агар, ул олиб келса, аблахлик дафтаридан подшоҳнинг отини кириб ташлаб, ўрнига анинг отини ёзиб кўюрман, деди.

* * *

Бир кун Искандар Доро билан урушиш муносабати билан ўз аскарларини кўздан

кечирди. Уша кўрик куни шамол ва чакмокдек тезликда учиб юрадиган бир отга минган эрди. Шул вақтда навкарларидин бири бир орик ва чўлок отга миниб подшоҳ олдидин ўтди. Подшоҳ газаб билан ани отдан тушишга буюрди. Шул вақтда навкар кулиб юборди. Искандар чакириб, кулганлигини сабабини сўрабди, ул дедиким:

— Сенинг газаб ва кахрингдан кулгум келди. Чунки сен учар бир отга миниб туриб, мен эсам юролмай тўхтаб коладиган отга минибдурман. Яна шундай бўла туриб менга газаб килурсан. Искандарга анинг сўзи маъкул тушиб, они аскарбошиларидан килибдур.

* * *

Бир кун Амру Лайс аскарларини кўздан кечирар эрди. Аскарларидан бири кўрдик, бири орик от минибдур. Амру Лайс кахрланиб деди:

— Менинг аскарларимга тангрининг лаънати бўлсинким, хар вақт танга ва тиллоларни уларга берурман ва таъминотларига сарф килурман, улар эса хотунларини семиртириб, ўз минадиган отларига карамай, орик холда саклайдилар. Ул аскар деди:

— Эй амир, тангри хакида, агар хакикат килсанг, уйдаги хотинимиз бу отимиздан ҳам орикрокдир.

Бу сўздан Амру Лайс кулуб, анго ўн минг тилло инъом килуб вазифасини ошурди.

* * *

Аскарлардан бири хар вақт хаммомга борса, хаммомдан чикар вақтида хаммомчига тухмат килур эрдиким:

— Менинг фалон нарсам йўк, ани топиб бергил ёки тавон бергил, деб шу тарикада даъво килиб, гавго килиб, хаммомнинг сартарош ва ходмиларин хақларини бермай кетар эрди. Кискаси, барча хаммомчилар ани таниб, ҳеч бир хаммомга киргазмадилар. Охири ноилож бўлуб, бир хаммомга бориб, аҳд килдиким, энди хаммомчи, сартарош ва ходмиларнинг хақини бериб, тухмат килмайман, деган сўзига кўпчилик гувоҳлик берди. Сўнгра хаммомга кирди. Хаммомчи бир кишига буюрди:

— Аскарни хамма кийимларини яшириб кўйинг. Аммо камар билан килични яширмай жойига кўй,—деди. Ул аскар хаммомдан чикди. Кўрдиким, барча либослари йўкдур. Бу тўғрида ҳеч бир дам уролмади. Чунки гувоҳлар ҳозир эрдилар. Аскар нима килишини билмай зарурият юзасидан ялангоч белига камар билан киличини боглаб хаммомчини олдига келиб дедиким:

— Мен ўзим сизга ҳеч бир сўз айтолмасман, аммо инсоф ўзингизга берсинким, мен хаммомга келган вақтимда шу сурат билан келиб эрдимми?

Хаммомчи ва ҳозир турган кишилар кулишиб, кийимларини бериб, энди хар хафта бир мартаба ҳақ тўламай хаммомга тушиб кетишга ризолик бердилар.

* * *

Бир аскарнинг бир чиройлик хотини бор эрди. Анинг оти «Хур» эрди. У бир кун урушдан юз ўгириб кочди. Анга дедиларким:

— Эй номард, кайтгил! Агар бир кофирни ўлдирсанг, гозий бўлурсан. Ва агар кофир сени ўлдирса, шахид бўлиб, киёматда хурлар хизматингда бўлур.

Ул дедиким:

— Менинг бу дунёда хурим бордир. Бошка хур учун ўзимга ўлимни раво кўрмайман.

* * *

Хажжожга жамъе одам хуруж килди. Ул жамъедан бир хотунни Хажжож қошига келтурдилар. Хажжож анго газаб кила бошладн ва итоб билан сўзлади. У хотун бошини тубан солиб, ҳеч бир сўзламади. Хозир бўлган одамлардан бири деди:

— Амир сенга сўзлайдур, нега индамайсан?—деди.

Хотун дедиким:

— Мен тангри назар килмаган кишига назар килиб, сўзлагани уяламан.

Хажжож дедиким:

— Кайдан билдингким, тангри менга назар килмаганини?

Хотун деди:

— Агар сенга тангри назар солса эрди, сени тангри бунча золим килмас эрди.

Хажжож деди:

— Худо хақида, бу хотун рост айтур.

Сўнгра анга минг тилло бериб, ўз уйига юборди.

* * *

Лукмони ҳақим қора танли киши эрди. Бир киши уни қул қилиб сотиб олди. Кўп муддат анга хизмат буюруб, андин илм ва ҳикмат асарларини кўрур эрди. Бир кун имтихон йўли билан Лукмонга дедиким:

— Бир кўйни сўюб, энг яхши жойидин манга келтургил.

Лукмон кўйни сўюб, тилини ва юрагини келтурди. Яна бир кун буюрди:

— Бир кўйни сўюб энг ёмон жойидин менга келтургил.

Лукмон яна кўйни сўюб тилини ва юрагини хожасига келтирди. Хожаси сўрадиким:

— Бу қандай ишдир?

Лукмон деди:

— Агар пок бўлса ҳеч нарса тил ва юракдан яхши эрмасдур ва агар нопок бўлса ҳам ҳеч нарса андин ёмонроқ эрмасдур.

* * *

Бир нодон киши бир ҳақимга дедиким:

— Не учун огзингдин ёмон ис келадуру?

Ҳақим деди:

— Санинг айбларингни кўкрагимда кўп саклар эрдим. Танамга таъсир қилибдур.

* * *

Бир баҳил бой бир ҳақимни кўрдиким, кўп меҳнат била қумуш маъданидин тошларни қазиб чиқариб, ушатур. Андин тилло зарраларини ҳосил қилар эрди. Баҳил деди:

— Эй ҳақим, бундан бошқа осонроқ авкот ўтказгудек қасб ва ҳунар йўқми эрди. На учун шунча машаққат чеқарсен?

— Менга юз мунча меҳнат ва машаққат билан зар ҳосил қилиш сенинг кўлингдан бир

пулни чикариб олгандан минг марта осонрокдур.

* * *

Дебдурларким, уйланмоклик бир ой шодмонлик бўлса, андин сўнгги колгон барча умр андух ва пушаймонликдур.

* * *

Бир хаким уйлангандан сўнг буюрубдурким, мен качон бўйдок эрдим, уйланган кишилар гунг эрдилар, яъни насихат бериб мени кайтармадилар. Энди мен уйландим, бўйдок кишилар кар бўлибдурлар, яъни насихат эшитмайдурлар.

* * *

Бир хаким дедиким:

— Уйланмоглик бир чукур кудук кабидур. Хар ким анга тушса халослик йўқдур. Андин сўрдиларким:

— Оё андин кутулмок мумкинму?

Хаким деди:

— Агар кудук бошига харсанг кўйсалар озод бўлиш мумкиндур.

Сўрадиларким:

— Харсанг нимадур?

Хаким деди:

— Хар бир фарзанд тугилса, ул кудук бошига харсанг куёрлар.

* * *

Бир кун бир хакимдан сўрадиларким:

— Кайси овкат лаззатлирокдур?

Хаким деди:

— Очлик галаба килган вақтда овкат есалар яхши ва лаззатлирок бўлур.

* * *

Бир хаким шароб ичмас эрди. Хакимдан сўрадилар:

— Нечун шароб ичмассан?

Хаким дедиким:

— Мени аклимни ичган нарсани мен ичмасман.

* * *

Бир подшо бир хакимни ўз холига кўймади. Мастликдан андин бехуда сўзлар огзидан чика бошлади ва бемаъни сўзларни хам кўп айтди. Ўзига келгандин сўнг маломат килдиларким:

— Не сўзларни сўзладинг?

Хаким дедиким, мен бу сўзларни айтганим йўк. Лекин мени шароб ичмакка таклиф килган киши айтди.

* * *

Бир киши бир табиб кошига бориб:

— Корним кўп огрийдур, бетокатдурман. Бирор илож эткил,— деди.

Табиб дедиким:

— Бугун не таом еган эдинг.

Ул киши деди:

— Куюк нонни кўп едим.

Табиб гуломни чакириб деди:

— Кўз дори келтиргин. Кўзига томизгаймиз.

Касал деди:

— Менинг корним огрийдур, кўз дорисини нима киламан?

Табиб деди:

— Агар кўзинг равшан бўлса эрди, куйган нонни емас эрдинг.

* * *

Бир киши табиб кошига бориб деди:

— Мен кулунж касалига гирифтор бўлубман. Менга бир няож этинг.

Табиб дедиким:

— Бугун не единг?

Ул деди:

— Тузланган сигир гўштини едим, хамда кок гўшт, пишлок, товук тухуми, хариса мевалардан: анор ва олухурот кўп едим.

Табиб дедиким:

— Агар бу кеча ўлсанг дори килишдан кутуласан.

Агар ўлмай колсанг, эртага эрта билан шахарнинг минорасига чикиб, ўзунгни пастга ташлагин, шундагина бу кулунж дардидан халос бўлурсан.

* * *

Бир киши бир табибнинг кошига келиб дедиким:

— Мен уч кундан бери касалман, хеч иштахам йўкдур. Жуда кувватсизланиб колдим.

Буни иложини килсангиз. Табиб анинг томурини ушлаб кўриб сўрадиким:

— Бугун не таом единг?

Ул деди:

— Уч кундур, бир нарса емадим.

Табиб деди:

— Озми, кўпми, не еганинг бўлса айтгил.

Ул деди:

— Айтмокка арзигудек бирор нарса емадим.

Табиб деди:

— Хар не тўгри келган бўлса, еган нарсангни айтгин.

— Хозир сизни олдингизга келур олдимдан йўлда каллапазни дўконига кириб колдим. Каллани иси думогимни хуш килиб, каллапаздан олти калла олиб едим. Сен уч калла хисоб килгин. Андин сўнг, тўрт ботмон нон едим. Сен икки ботмон хисоб килгин. Андин кейин кўнглим ширинлик ейишни истади. Саккиз ботмон халвойи бодом едим. Сен тўрт ботмон хисоб килгин. Андин кейин ўтиб йигирма ботмон амирий узумини едим, сен ўн ботмон фараз килгин. Сўнгра, ковунфурушни дўконига келиб хисравий ковунларини кўриб, ундин кирк ковун олиб едим. Сен йигирма ковун деб билгин. Табиб бу сўзларни эшитгандан сўнгра дедиким:

— Сен даги хисоб этгил. Мен айтайин, сен энди олти йил «сарсон» касалига гирифтор бўлурсан, сен уч йил фараз этгин. Андин кейин, тўрт йил дик бўлурсан, сен икки йил хисоб этгил. Сўнгра икки кўзинг кўр бўлур, сен бир кўз дегил. Андин сўнг икки оёгинг шол бўлур, сен бир оёк деб хисоблагин. Андин сўнг ич огриги касалига учраб, шу касал билан ўлурсан, сени кабрга кўйиб, устингга 100 эшак тупрок солурлар. Сен эллик эшак деб фараз килгин.

* * *

Бир киши бир табиб кошига бориб, дедиким:

— Мени бир касалим бордур. Бир илож килсангиз!

Табиб сўрадиким:

— Не касалингиз бордур?

Ул деди:

— Неча кундурким, мўйим (соч) огрийдур.

Табиб хайрон бўлиб деди:

— Бугун нима таом единг?

Ул деди:

— Нон билан муз едим.

Табиб деди:

— Дардинг бирор дардга ўхшамайдур ва еган овкатиног хам одамларни овкатинога ўхшамайдур.

* * *

Бир бемаза сўзловчи совук нафас шоир бир табиб кошига бориб дедиким:

— Кўнглимда бир нарса айланиб, мени хушсиз килмокка олиб бормокдадур. Шу сабабдан барча аъзойимга музлашлик таъсир килибдур.

Табиб ниҳоятда зийрак киши эди, дедиким:

— Бу якинда ҳеч бир шеър айтдингму? Ани холис кишилар олдида ўкимагандирсан?

Шоир дедиким:

— Ха, бир шеър айтган эрдим. Лекин ҳеч ким олдида ўкиганим йўк.

Табиб дедиким:

— Ани ўкигил.

Шоир ўкиди.

Табиб деди:

— Яна ўкигил.

Шеърини яна ўкиди, кискаси, шоир шеърини уч марта ўкиди.

Табиб деди:

— Боргил, касалинг энди таркалди, чунки бу шеър юрагингга тугун бўлиб туруб эрди.

* * *

Бир подшо тушида кўрса барча тишлари тўкилди. Бу тушдан ниҳоят хафа бўлуб, эрта билан таъбир этувчини чакириб, кўрган тушини айтиб берди.

Таъбирчи дедиким:

— Подшони барча болалари ва хотунлари, якинлари ўз хузурида ўлгувсидирлар.

Подшога бу таъбир жуда каттик кўриниб, буюрдиким, таъбирчининг барча тишларини омбир билан тортиб олдилар ва тилини кесдилар. Сўнгра бошка бир таъбирчини чакириб, ул тушни бунга ҳам баён этдилар. Иккинчи таъбирчи жуда доно ва хуштабиат киши эрди. Ул деди:

— Эй подшоҳ, бу тушингиз умрингизни узоклигига далолат киладур. Таъбири будурким, барча болалачингиз, хотунингиз ва якинларингиздан подшони умри узок бўлгувсидур.

Бу таъбир подшога ёкиб, унга от ва кийим билан минг танга пул берди ва дедиким:

— Агарчи бу икки таъбирнинг мазмуни бирдур. Лекин биринчи таъбирчи ёмон иборат билан сўзлаб, ўзини халокат чуқурига ташлади. Иккинчи таъбирчи эса, юмшок сўз билан ишора килиб, давлат байрогини кўкдан оширди.

* * *

Искандар билан Доро ўртасида каттик уруш, жанжал, бахс бўлди. Лекин Доро тарафи галабада эрди. Шу сабабдин Искандар хафа бўлуб, ўйлаб бир канча фикрларга борди. Бир кеча у гам билан чарчаб ухлаб колди. Тушида кўрдиким, Доро билан кураш тушар эрди. Иттифокан Доро ерга уруб, оркасини ерга етказди. Шундайким, бутун оркасининг дахни билан ерга кўйди. Искандар уйкусидан уйғониб, кўркинчи, гам ва андухи бурунгидан ҳам кўпайди. Шу холда таъбир илмига мохир бир ҳаким бор эрди, уни чакируб, тушуни анга баён килди. Ҳаким ул тушни эшитгач, очик юзлик ва хурсандлик билдириб, Искандарга хушхабар бердиким, сен бу тушдан умидвор бўлгин. Чунон бу далолат киладурким, Дородан сўнг, бутун ер юзи сенга таслим бўлгусидир. Сенинг органгни ерга кўйгани ер юзини сенга бергани демакдур. Бу таъбир Искандарга маъкул тушуб мукофотлар берди. Бу таъбир кучи билан бутун дунёни ўзига қаратди.

* * *

Айтурларким, Ҳакими Хоконий Манучеҳр шохгаким, Шервон мамлакатининг подшохи эрди, бир байт ёзиб юбориб, бир нимарса талаб килди. Байт будур:

Вашаки дех, ки дар барам гирад,

Ё вошакики дар бараш гирам.

Вашак — пўстиндур.

Вошак — бесокол тугмадур.

Хокон даргазаб бўлуб дедиким:

— Бу байтда мени паст кимматликка чикарибдур. Буни бергил ё они бергил дебдур. Не учун икковини ҳам талаб килмайдур.

Бу хабарни Ҳаким Хоконийга етқурдилар. Андин сўнгра бир чибиннинг канотин юлиб,

подшоҳ қошига юбордиким:

— Ман «бо» вошаки деб эрдим. Бу чибин «бо» нуктасининг ёнбошига бир нукта қўйиб, ани «ё» қилибдур.

Хокон қулуб, вашиқ бирла вошакни ҳам юборди.

* * *

Амир Темур Форс вилоятин мусаххар қилиб, Шерозга келди. Шох Мансурни ўлдуруб, Хофизни Шерозийни талаб қилди. Ул хамиша ғўшанишинликда фақр ва фоқа била умр ўтқарур эрди. Сайид Зайнул Обиди Рукнободийким Амир Темур қошида тамом яқинлиги бор эрди ва Хофизни Шерозийга мурид эрди, Хофизни Амир Темурнинг мулозиматиға келтурдилар. Амир Темур қўрдиким, фақр ва фоқа асарлар андин зохирдур. Дедиким: — Эй Хофиз, мен шамшер зарби била ер юзини хароб қилдим. То Самарқанд ва Бухорони обод ва маъмур қилгайман деб, ва сен эсанг бир холи хиндусига бахш этибдурсен.

Назм:

Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро,

Ба холи хиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.

Хофиз деди:

— Мундок бесарфа (бефойда) бахшишлардан бу тарика фарқу фоқага учрабдурман.

Бу сўздин Амир Темур қулуб Хофизга лойик вазифа таъйин этмишдур.

* * *

Бир шоир бир улуг кишидинким бахилликка мансуб эрди, анга бир касида этиб ва анда қўп ситойишлар қилиб, умедвор бўлди. Ва ул шоирга сила беришни тиламас эрди. Балки истар эрдиким, они фақат тахсин била ўтқазгай. Шоир касидани ўқиғоч деди:

— Ажаб шеър айтибдурур. Ахсана оллоху илайха, яъни яхшилик қилгай, тангри таоло сенга. Муроди буқим, яхшиликни тангри таолодин қўз тутгил. Мендин таъма қилмагил.

Шоир ани муродини англаб дебдур:

— Ахсан оллоху мазхарака, яъни яхшилик қилгусидур тангри манга сенинг

мазхарингдин. Яъни сени ва мени рўзи ва насибимга восита қилур. Шоирнинг бу жавоби анга хуш қелиб, риояти қуллн қилди.

* * *

Бир шоир бир бахил Хожа мадхида бир касида айтди. Хожа ҳеч нимарса бермади. Бир хафтагача сабр қилди. Бйрор асар зохир бўлмади. Вакт такозосига мувофиқ бир қитъа айтди. Хожа илтифот қилмади. Бир хафтадан сўнгра хажв этти: Хожага таъсир этмади. Шоир қелиб Хожа эшигида ўлтирди. Хожа ташқарига чиқиб, они қўрди. Деди:

— Фарогатда ўлтирибдурмусан, эй мубрим, беҳаё! Касида айтдинг, ҳеч нима бермадим.

Қитъа айтдинг, парво қилмадим. Ва хажв эттинг, мутаббих бўлмадим,

яна нима умед билан ўлтирибдурсан?

Шоир демишдир:

— Билгилким, ўлсанг сенга марсия ҳам айтиб, андин сўнгра кетурман.

Хожаи бахил қулуб яхши нарсалар бахш этти.

